

**2017 йил 26-27 апрелда Наманган шаҳрида бўлиб ўтадиган
“Central Asia – 2017» XI Халқаро конференцияси маъруза ва
мақолаларига қўйиладиган талаблар**

Мақолаларни бериш муддати – **2017 йил 5 апрелгача.**

Мақолалар **conf2017@natlib.uz** электрон почтага жўнатилади.

Ўзбек, рус, инглиз тилларида тақдим қилинадиган маълумотлар қуйидаги талабларга мувофиқ расмийлаштирилади:

1. Кўриб чиқишга олдин бошқа жойда нашр қилинмаган, умумий ҳажми иловаси билан бирга 3 бетдан 5 бетгача бўлган мақолалар қабул қилинади. Ҳажми кўп ва нотўғри расмийлаштирилган қўлёзма мақолани рад қилишга асос бўлиб хизмат қилади. Муаллиф қўлёзманинг охириги муаллифлик вариантыни электрон кўринишда беради. **Таҳририят бир хил қўлёзманинг бир нечта муаллифлик тахминий фикр(версия)ларини кўриб чиқмайди;**
2. Матннинг электрон версияси муаллиф/муаллифларнинг фамилияси билан номланади;
3. Матн **Microsoft Word (версия 2003)** матн муҳарририда; А4 форматда; ҳошиялар – юқориги, пастки ва ўнг томон – 2 см.; чап – 3 см.; Times New Roman шрифтида; ўлчами – 12; сатр оралиғи – бир қаватли; сатр боши – 1,25; ориентация – китоб шаклида; матн кенглиги бўйича тўғриланган, кейинги сатрга кўчирмасдан терилган бўлиши керак;
4. **Тезис/маъруза номи** – марказда, сатр бошисиз, яримқалин шрифт, бош ҳарфлар билан ёзилади;
5. Кейин Times New Roman шрифтида, 12 ўлчамдаги, умумий ҳажми 500 тагача бўлган белгидан иборат **инглиз тилидаги аннотация берилди** (сизнинг маърузангиз конференция тўпламига киритилиши учун инглиз тилидаги аннотациянинг берилиши мажбурий ҳисобланади);
6. Барча қисқартмалар биринчи қўлланилишида тўлиқ берилиши лозим;
7. Шахс биринчи марта тилга олинганида исми, отасининг исми (И.Ш. фамилиядан оралиқ орқали ажратилади) тўлиқ кўрсатилади.
8. Расмлар, чизмалар ва жадваллар изоҳ берувчи ёзувларга эга бўлиши лозим;
9. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати қабул қилган стандартларга мувофиқ расмийлаштирилади ва мақоланинг охирида берилди. Матнда фойдаланилган адабиётларга ҳаволалар квадрат қавс ичида араб рақамлари билан берилди, масалан [3];

10. Илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган, эълон қилинган йўналишларга мувофиқ келувчи ва олдин бирор жойда нашр қилинмаган оригинал ишлар қабул қилинади;
11. Юқорида кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган маърузалар/мақолалар кўриб чиқилмайди.

Ташкилий кўмитанинг маърузани конференция тўпламига киритиш ҳукуқи ўзида қолади. Чиқиш учун вақт: асосий маърузалар – 15-20 дақиқа, хабарлар – 10 дақиқагача. Конференция тўпламига маърузалар эксперт гуруҳининг қарори асосида ва қатнашувчи рўйхатдан ўтиш бадалини тўлагандан кейингина киритилади. Ташкилий кўмита тақдим қилинган маърузанинг мазмуни учун жавобгар эмас. Маъруза ва тезисларга ҳамма ҳуқуқлар уларнинг муаллифларига тегишли.

Мақолага АЛОҲИДА ФАЙЛДА муаллиф/муаллифлар ҳақида маълумотлар берилиши зарур:

1. Тўлиқ фамилияси, исми ва отасининг исми.
2. Иш жойи ва лавозими.
3. Илмий даражаси ва унвони.
4. Телефон (шаҳар коди билан)
5. Электрон почта рақами.

ДИҚҚАТ!

**Ташкилий кўмита кўлэзмаларни рад қилиш ҳуқуқига эга.
Конференция тўпамининг бепул нусхаси фақат мақола муаллифига
берилади.
Мақолалар тўпамини конференция ўтказилиш вақтида олиш мумкин
бўлади.**